

Инсон ва қонун

2022 йил 10 май
сешанба
№ 17 (1325)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz



ГЎШТНИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ
СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИШ
МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ



МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ҚАНДАЙ
ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА?



ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА
СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ


3-БЕТ

УЧКЎПРИК туманида яшовчи Т.Жўра-боев (исм-шарифлар ўзгартирилган) сўнгги йилларда Фарғона вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида инспектор вазифасида ишлаб келаётганди. Аммо вақт ўтиши билан нафс гирдобини ўзида тортди.

Таъмагир инспектор
қўлга тушди



6-БЕТ



Таълим “ФАҚАТ ЎҚИТУВЧИНИНГ ИШИ” МИ? ТАРБИЯ-ЧИ?

“ИНСОН ва қонун” газетасининг 2022 йил 12 апрелдаги 13-сонида “Журналист кузатуви: Таълим-тарбиянинг қуроли пул...ми?! ёхуд пул баъзида барокат, баъзида ҳалокатдир!” номли мақолани ўқидим. Очиги, мақолада билдирилган фикрлар аynи ҳақиқат эканлиги ва биз — ўқитувчиларнинг дилимиздаги гаплар айтилганидан жуда таъсирландим.



3-БЕТ



ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ ТЕКИНГА ҚЎЙИЛМАЙДИМИ?

— УЙМИЗГА янги автоматлаштирилган газ ҳисоблагич қўйлаётган эди. Ушбу автоматлаштирилган газ ҳисоблагични ўрнатишда ҳудудий газ идораси ходимлари томонидан ўрнатиш хизмати учун 15 минг сўм маблағ талаб қилинмоқда? Шу тўғрисида? Янги газ ҳисоблагич текинга қўйилмайдими?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарорининг 2-бандида маиший истеъмолчиларга табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёсови ва пломбалаш ҳудудий газ таъминоти корхоналари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 майда 3005-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга мувофиқ, энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш тартиблари белгиланган.

Ушбу Низомнинг 8-бандига кўра, энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида ўрнатиладиган энергий ресурсларини ҳисобга олиш приборларини, шунингдек, улар ўрнатиладиган махсус шкафларни харид қилиш, шу жумладан, мавжуд (шунингдек индукцион, газ температураси ва босими бўйича коррекциясиз) приборларни алмаштириш, монтаж қилиш, давлат қиёсовидан (шу жумладан, даврий давлат қиёсовидан) ўтказиш ҳамда ўрнатиш таъминотчи ҳисобидан амалга оширилади. Ҳисоблагич таъминотчи ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан маиший истеъмолчи иштирокида бепул уланади, рўйхатга олинади ва пломбалади, деб белгиланган.

Юқоридаги Низомга кўра, ҳудудий газ таъминоти корхонасининг ваколатли ходими ва истеъмолчи иштирокида ҳисоблагич ечиб олинади ва ўрнатилади. Бу ҳақда тегишли маълумотларни акс эттирган ҳолда 3 нусxada далолатнома тузилиб, имзоланади. Янги ҳисоблагич ўрнатиладиган сўнг ҳудудий газ таъминоти корхонасининг ваколатли ходими томонидан истеъмолчига давлат қиёсовидан ўтказилганлиги тўғрисидаги сертификат ҳамда имзоланган далолатноманинг 1 нусхаси тақдим этилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан 2020 йил 29 майдаги хат билан маиший истеъмолчиларга табиий газни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш жараёнида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий амал қилинишини таъминлаш юзасидан “Ўзтрансгаз” АЖга тегишли кўрсатма берилган.

Замонавий табиий газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилишида Сизнинг истеъмолчилик ҳуқуқингиз бузилишига йўл қўйилган тақдирда, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг consumer.uz сайти, 71-207-46-00 телефон рақами ёки 1159 қисқа рақами орқали мурожаат қилинг.


АРИЗАНИ РАД ЭТИШГА АСОС БОРМИДИ?

— 50 ёшга кирганимда 18 йиллик иш стажим бор эди. Болалиқдан ногирон фарзандим бўлганлиги сабабли ёшга доир пенсияга чиқишда, пенсия ёшини 5 ёшга қисқартирилган ҳолда чиқиш ҳақида шаҳар Пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилдим, лекин стажим камлигига асосланиб аризам рад этилди. Шу тўғрисида?



— Ҳа, тўғри. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига кўра, умумий белгиланган ёшни, (яъни, 55 ёшни) 5 йилга қисқартирилган ҳолда охириги иш жойидан қатъи назар, болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлса — иш стаж камида 20 йил бўлган тақдирда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади ва улар белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эгадир.

Шунга кўра, болалиқдан ногирон фарзанднинг онаси сифатида Сизнинг иш стажингиз қонунда белгиланган 20 йил эмас, 18 йилни ташкил қилингани учун мурожаат қилган вақтингизда белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмагансиз.



ОНАМ 50 ЁШДА ПЕНСИЯГА ЧИҚА ОЛАДИМИ?

— Отам 40 кун аввал вафот этди. Отам шу кунгача ёшга доир пенсия олиб келарди. Онам 50 ёшда. Ўзи 1 гуруҳ ногирони. Онамга 50 ёшда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланиши мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 19, 20-моддаларига кўра боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига марҳумнинг оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувиди бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади.


Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса — боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эга.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейин-

чалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолса, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Марҳумнинг хотини ногирон бўлса, оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади.

Бунинг учун пенсиянинг бир туридан, яъни ногиронлик пенсия туридан, пенсиянинг бошқа турига, боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтказиш тўғрисидаги ариза билан онангиз яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиши лозим. (Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 134-банди)



БОЛАМНИНГ МИЛЛАТИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

— Менинг миллатим — ўзбек. Турмуш ўртоғимнинг миллати татар. Фарзандимнинг миллати ўзбек деб ёзилиши мумкинми? Боламнинг миллатини ким белгилайди?

— Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан тасдиқланган Низомнинг 14-бандига мувофиқ паспортдаги миллати ҳақидаги ёзув ота-онанинг миллатига мувофиқ ёзилади. Агар ота-оналар турли миллатга мансуб бўлишса, биринчи марта паспорт берилганда паспорт эгасининг хоҳишига қараб отасининг ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик, фуқаронинг ёзма аризасига кўра миллати ҳақидаги ёзув фақат бир марта отаси ёки онасининг миллатига ўзгартирилиши мумкин.

Демак, болангизнинг паспортига фарзандингизнинг хоҳишига кўра онаси сифатида Сизнинг миллатингиз ёзилиши мумкин.



ҲАДА УЧУН ҲАМ СОЛИҚ СОЛИНАДИМИ?

— Амма, менга уй-жойининг бир қисмини нотариал тартибда ҳада қилиб ўтказиб берди. Менга нисбатан солиқ идораси томонидан даромад солиғи тўлалиши билдирилмоқда. Энди мен даромад солиғи тўлашим керакми? Шу ҳолатда қанча миқдорда даромад солиғи солинади?

— Ҳа, тўлашингиз лозим. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 378-моддасининг 11-бандига асосан жисмоний шахслардан мерос ёки ҳада тартибда яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олинган, даромад солиғи тўлалиши белгиланган.

Мулкнинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Солиқ кодексининг 375-моддаси туртинчи қисмига кўра, кўчмас мулк бўйича кадастр ҳужжатида кўрсатилган қиймат



Саволларга “Мадад” ННТ
Қўқон шаҳар ҳуқуқий маслаҳат
бюроси бош мутахассиси
Мукаррам ТАШБОЛТАЕВА
жавоб берди.

даромад деб эътироф этилади.

Солиқ кодексининг 60-моддасига кўра, жисмоний шахснинг ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри ёки хотини, фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек, эрининг ёки хотинининг ота-онаси унинг яқин қариндошлари деб тушунилади.

Солиқ кодексининг 381-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг резиденти (фуқароси) бўлган жисмоний шахснинг даромадларига 12 фоизлик солиқ ставкаси бўйича солиқ солиниши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, сиз кўчмас мол-мулкнинг кадастр ҳужжатида кўрсатилган қийматидан 12 фоиз миқдорида даромад солиғи тўлашингиз лозим бўлади.



НАФАҚАГА ЧИҚИШИМГА ИМТИЁЗ БОРМИ?

— 9 ёшли фарзандим болалиқдан бери ногирон. У парваришлагаша муҳтож бўлганлиги сабабли бирор ишга кириб, ишлаб олмаяпман. Келажакда қандай қилиб пенсияга чиқишим мумкинлиги мени ўйлантиради. Кейинчалик ишласам, қанча стажга эга бўлишим керак?

— Агарда иш стажингиз бўлмаса, Сизга ёшга доир пенсия эмас, ёшга доир нафақа тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги Фармонининг 19-бандига асосан “2019 йил 1 мартдан бошлаб болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўлалиши жорий қилинган. Президентимизнинг 2011 йил 7 апрелдаги Қарорининг 2-иловасининг 6-бандига асосан ёшга доир нафақа болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга — 55 ёшга етганларида тайинланади.

Сизнинг болалиқдан ногирон фарзандларни парваришлаганлигингиз ҳолати бўйича пенсия тайинлаш учун зарур стажингиз мавжуд бўлмаса, 55 ёшга тўлгунингизда ёшга доир нафақа тайинланади.

Агар ишга кириб, камида 7 йил иш стажига эга бўлсангиз, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 8-моддаси ва 37-моддаси “д” бандига асосан 18 ёшгача бўлган ногирон болага қараб турилган вақт даври ҳам стажингизга қўшилиб, бор стажингиз асосида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

“ИНСОН ва қонун” газетасининг 2022 йил 12 апрелдаги 13-сонида “Журналист кузатуви: Таълим-тарбиянинг қуроли пул...ми?! Ҳуд пул баъзида барокат, баъзида ҳалокатдир!” номли мақолани ўқидим. Очиги, мақолада билдирилган фикрлар аини ҳақиқат эканлиги ва биз — ўқитувчиларнинг дилимиздаги гаплар айтилганидан жуда таъсирландим.

Таълим “ФАҚАТ ЎҚИТУВЧИНИНГ ИШИ”МИ? ТАРБИЯ-ЧИ?

Албатта, фарзандларимиз нафақат бизнинг, балки бутун миллатнинг келажигидир. Уларга билим ва тарбия берад экансиз, қалбингизда ҳамиша бир ҳадик туғён уриб туради: “Мен келажак авлодининг бир бўлагини тарбиялаётиман, хато қилишга ҳаққим йўқ!”.



Биз — ўқитувчиларнинг ўқувчиларга билим бериш вазифамиз биринчи галда бўлса, тарбия ҳам шу қаторда туради. Тарбия билан билимнинг уйғунлиги бўлмаган тақдирда ҳам асл ниятимизга ета олмаймиз. Бу ўринда ўқитувчи ва ота-онанинг ҳамкорлиги бўлиши муҳим. Ўқувчи, аввало, тарбияни оиладан олиб келади. Биз билим бериш қаторида болада тарбия жараёнини узвий олиб боришга ҳаракат қиламиз. Демокчимизки, ота-она ҳам таълимда, ҳам тарбия жараёнида ўқитувчи билан елка-ма-елка туриши керак. Баъзида шундай вазиятлар бўладики, устознинг қаттиқроқ танбеҳини эшитган Ҳуд синфдошлар ўзаро жанжаллашганда бурни сал қонаган боланинг ота-ониси (бобо-си, бувиси) бир зумда мактабга етиб келади. Боланинг тарбияси ва таълими масаласида таълим муассасасига чақирганингизда эса, афсуски, худди ана ўша жонқуярларнинг бирортасини топа олмайсиз.

Вояга етмаган бола ҳар қандай шароитда ҳам кунининг дастлабки қисмини мактабда ўтқазиши керак. Мактаб таълимининг мажбурийлиги қонунчиликда ҳам белгилаб қўйилган. Аммо шунга қарамай, ота-оналарнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги сабаб ўқувчиларнинг дарсга сабабсиз келмаслиги ҳолати кўп учрайди.

Давомат рейдлари давомида мактаб ўқувчиларининг дарс вақтида интернет-кафеда вақт ўтказгани, бозорларда савдо-сотқ ва аравақашлик билан шуғуллангани, дайдилик,

тиланчилик, жамоат транспортида чиптачилик қилиб юргани кўп бора аниқланган. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, ота-оналар фарзандларининг таълими ва тарбияси борасидаги мажбуриятларини бажармаслиги маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни, ота-она фарзандининг таълим олишига алоҳида эътибор қаратиши керак ва бу шарт. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланишича, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва ота-онанинг ҳамкорлиги бўлиши муҳим. Ўқувчи, аввало, тарбияни оиладан олиб келади. Биз билим бериш қаторида болада тарбия жараёнини узвий олиб боришга ҳаракат қиламиз. Демокчимизки, ота-она ҳам таълимда, ҳам тарбия жараёнида ўқитувчи билан елка-ма-елка туриши керак. Баъзида шундай вазиятлар бўладики, устознинг қаттиқроқ танбеҳини эшитган Ҳуд синфдошлар ўзаро жанжаллашганда бурни сал қонаган боланинг ота-ониси (бобо-си, бувиси) бир зумда мактабга етиб келади. Боланинг тарбияси ва таълими масаласида таълим муассасасига чақирганингизда эса, афсуски, худди ана ўша жонқуярларнинг бирортасини топа олмайсиз.

микдорининг бир бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тан олиш керакки, вояга етмаган болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг асосий қисми ўқувчиларнинг дарсга қатнашмаслиги ортидан келиб чиқади.

Маълумот ўрнида:

Ички ишлар вазирлиги берган статистик маълумотга кўра, жорий йилнинг апрель ойига қадар вояга етмаган болалар томонидан 402 та жиноят ва 3 минг 479 та ҳуқуқбузарлик содир этилган. Маълумот берилишича, ўтказилган рейдлар давомида жами 611 нафар ўқувчида тигли ва тан жароҳати етказиши мумкин бўлган жисмлар борлиги аниқланган.

Давлатимиз раҳбари йиғилишлардан бирида ёш авлод тарбияси, одо-ахлоқи ҳақида тўхталиб, “Мактаб бу — ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди”, деган эди.

Чиндан ҳам таълим масаласида “бу фақат ўқитувчининг иши”, деган тамойил ҳеч вақт натижа бермайди. Биринчи навбатда, устоз ва ота-она ҳамкорлик қилиб, қолаверса, бутун жамият бирлашиб таълим-тарбия сифатини кўтаришимиз керак. Зеро, таълими ривожланган мамлакат ҳар соҳада тараққий этган бўлади. Яхши мактаблари кўп эл жоҳил бўлмайди. Билимли ва зийли авлод, аввало,

мактаблардан етишиб чиқади.

Яқинда мактаблардаги психолог штатини қисқартириш эвазига ички ишлар идораларида инспектор-психолог штат бирлиги жорий этилди. Улар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, тарбияси оғир ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ўқувчилар билан ишламоқда. Инспектор-психологларнинг беvosита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасалари белгиланди. Айтиш жоизки, ички ишлар идоралари билан бундай ҳамкорлик тарбия масаласида таълим муассасалари ходимларига анча енгиллик берди.

Халқ таълими тизимида ҳам бугун таълим сифатини яхшилаш, болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” тасдиқланди.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг асоси миллий тарбиямиз, Унсур Ул Маоллий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абу Наср Фаробий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат каби улуг мутафаккирларимизнинг маънавий-илмий меросига асосланган. Шу билан бирга аини вақтда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасида синондан ўтган замонавий тарбия технологияларидан фойдаланилган.

Концепцияда тарбияга янги, тизимли ёндашув, таянч фазилатларни кафолатли лойиҳалаштириш ва ўргатишда оила, мактабга таълим муассасаси ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик имкониятларини тўлиқ ишлатиш ва улар орасида илмий-методик ҳамкорлики янги даражага кўтариш масаласи асосий вазифа этиб белгиланган. Аини пайтда мактабларимизда ана шу концепция асосида болалар билан ишлашга, ота-оналар билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилияпмиз.

Муборак ҳадисларда айтилишича, Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам):

“Болаларингизга одоб беринглр ва одобларини чиroyли қилинглр”, деб марҳамат қилганлар.

(Имом Муслим ривояти).

Сўзимиз якунида барча ота-оналардан фарзандлари тарбиясига эътиборли бўлишларини, таълим даргоҳига тез-тез ташриф буюришларини, фарзандларининг ўқиши, юриш-туришини билвосита кузатишларини, устозлар билан ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишларини сўраб қолардиқ.

Гулноза САБАТАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 329-мактаб
ўқитувчиси

Қонунчиликдаги ангилликлар

ГЎШТНИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга кўра, Ўзбекистонга ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, соя данагини олиб кириш, шунингдек ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича айланма қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача узайтирилди. Илгари 2022 йил 30 апрел гача эди.

Гўштни (мол гўштини, қўй гўштини), тирик ҳайвонларни (молни ва қўйни) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистонга олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача узайтирилди.

Товуқ гўшти, музлатилган балиқ ва тирик паррандаларга қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз 2022 йил 30 апрел гача этиб ўзгаришсиз қолдирилди.

2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январ гача Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ ҳўжалиғи ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлар:

■ фойда, айланмадан олинадиган, ижтимоий ва даромад солиғини 1 фоизда тўлайди;

■ юридик шахсларнинг мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлари 1 фоизда тўлайди.

Бўялган матони, бўялган газламани ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотини экспорт қилувчи тадбиркорлар 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январ гача ижтимоий солиқни 1 фоиз тўлайди.

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА?

Қонунчиликка кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), жумладан:

■ фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиғи) тўғрисида муомала лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради;

■ вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

■ таъйик ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди, шунингдек мазкур фактлар тўғрисида аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ҳамда ички ишлар органларини зудлик билан хабардор қилади.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Тадбиркорлиқни янги бошлаётган хотин-қизларга 10 миллион сўм субсидия берилади.

“Хунарманд” уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида 40 фоиз тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.



БҲЙРУҚДА БОРУ АМАЛДА-ЙЎҚ...

СУРХОНДАРЁ

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 апрелдаги “Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан мониторинг ўтказилди.

Кечиккан тўловга суд буйруғи чиқарилди

Мониторинг натижасига кўра, мазкур қарорнинг 2-илосави 2-бандида назарда тутилган бир йўла тўланадиган нафақа пуллари ободонлаштириш бошқармасида хизмат қилган 5 нафар фуқарога тўлаб берилмаётганлиги аниқланди.

Адлия бўлими томонидан 15 миллион 335 минг 232 сўм миқдоридagi бир йўла тўланадиган нафақа пуллари ундириш юзасидан жорий йилнинг 29 март куни фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига ариза киритилди ҳамда жорий йилнинг 8 апрелида Термиз туман ободонлаштириш бошқармасида 10 йилдан ортиқ ишлаб ёшга доир пенсияга чиққан 5 нафар фуқарога Термиз туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан тўлаб берилмаган 15 миллион 335 минг 232 сўм нафақа пуллари ундириш юзасидан суд буйруғи қабул қилинди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

НАМАНГАН



МАХСУС ТЎЛОВ УНДИРИЛДИ

ТЎРАҚЎРҒОН туман тиббиёт бирлашмаси бир гуруҳ тиббиёт ходимлари 2020 йил сентябрь-ноябрь ойларида коронавирусга қарши курашиш тадбирларида жалб этилган. Бироқ уларга махсус тўлов тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган тиббиёт ходимлари туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимларининг штат бирликлари мос равишда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг ишга жойлаштириш инспектори, туман ва шаҳарлардаги Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан ташкил этилиши белгиланган.

Шунга кўра, мазкур Қарор ижросини таъминлаш мақсадида юқоридagi штат бирликлари мақбуллаштирилган ходимлар билан меҳнат шартномаларини бекор қилишда меҳнат қончилигида белгиланиб, тўланиши лозим бўлган тўловлар ва қўшимча кафолатларнинг тўғри ва асосли қўлланилганлиги юза-

сидан Булунғур туман адлия бўлими томонидан туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимида мониторинг ўтказилди.

Мониторинг давомида туманда 55 та маҳалла мавжудлиги, ушбу маҳаллаларда меҳнат фаолиятини олиб борган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг юқорида қайд этилган масалалар бўйича ўринбосарлари билан Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисм 1-бандига асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги боис меҳнат шартномасини икки ойдан кейин бекор қилиш тўғрисида тегишли маҳалла раиси томонидан 2021 йил 7 декабрда ходимларга огоҳлантириш хатлари берилган бўлиб, улар билан тузилган меҳнат шартномалари 2022 йил 7 февралда туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг тегишли буйруқлари билан бекор қилинганлиги маълум бўлди.

Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг

маҳалла раиси ўринбосарлари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғида ҳам ходимларга Меҳнат кодекси 109-моддасига мувофиқ ўртача ойлик иш ҳақи миқдориди ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилиши кўрсатилган бўлса-да, қишлоқ маҳаллаларида меҳнат фаолиятини олиб борган 43 нафар ходимга 89 миллион 268 минг сўм, шаҳар маҳаллаларида ишлаган 10 нафар ходимга 22 миллион 577 минг 260 сўм миқдориди ишдан бўшатиш нафақалари тўланмаганлиги маълум бўлди.

Мониторинг натижасига кўра ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш, вужудга келган қарздорликни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига аризалар киритилиб, суд буйруқлари чиқарилди ва 53 нафар ходимга 111 миллион 845 минг 260 сўм ўртача ойлик иш ҳақи миқдориди ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилди.

Бахтиёр ҚАҲҲОРОВ,
Булунғур туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИДА МОНИТОРИНГ

УЧТЕПА туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилганда, 2019, 2020 ва 2021 йиллар давомида бўлимга қарашли мактаблардаги кадрлар бўйича инспекторларга қонунчиликка зид равишда паст разряд бўйича иш ҳақлари тўлаб келинганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар” 4-иловага мувофиқ тасдиқланган бўлиб, ушбу иловада олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторларнинг ягона тариф сеткаси бўйича разряди 7 этиб, олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторларнинг ягона тариф сеткаси бўйича разряди эса 6 этиб белгиланган.

Шунга кўра, адлия бўлими томонидан тегишли таъсир чораси киритилиб, мактабларнинг кадрлар бўйича инспекторларининг лавозим разрядлари мувофиқлаштирилди ва 26 нафар ходимга тўланмай қолган қарийб 30 миллион сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди ҳамда мазкур қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган туман Халқ таълими бўлими ходими Г.И.га нисбатан “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

Отабек НЕГМАТОВ,
Учтепа туман адлия бўлими
бошлиғи

НАВОЙ

НУРОТА туман адлия бўлими томонидан умумий ўрта таълим мактабиди ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари тўланмаётганлиги ҳақидаги мурожаат юзасидан мониторинг ўтказилди. Ўрганиш жараёнида туман халқ таълими бўлими томонидан Меҳнат кодекси талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланди.



Хусусан, мониторинг давомида туман Молия бўлими томонидан тақдим этилган маълумотда Нурота туман халқ таълими бўлими томонидан ходимларга 2022 йил апрель ойи учун аванс (бўнак) сифатида иш ҳақлари тўланмаганлиги маълум қилинган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга баҳарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги, меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмаслиги, 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, туман ХТБ ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нурота туман бўлини кенгаши ўртасида 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа келишувининг 56-бандида иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун муассаса раҳбари шахсан жавобгар эканлиги назарда тутилган. Шунга кўра, туман ХТБ бошлиғи номига киритилган тақдимино асосида 26 та умумий ўрта таълим мактаби ишчи-ҳодимлари 2022 йил апрель ойи учун 614 миллион 839 минг 18 сўмлик аванс тўланиши таъминланди.

Умид СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

Фароғат РАЗЗАҚОВА,
Тўрақўрғон туман адлия бўлими
бошлиғи

БОЛАЛИГИМДА дадамнинг оналаридан бир гапни жуда кўп эшитардим. “Исрофчи бан-
данинг жойи дўзах. Ноннинг ушоғи ҳам нон, болам, ерда нон кўрсанг, олиб икки кўзинг-
га сурт, ўпиб қўйишга одатлан, нонга зор бўлмайсан, болам. Биз сенинг ёшингда бир
бурда нонга зор бўлганмиз. Кўк ўт еб, шишиб ўлганларни кўрганмиз. Зоғора нон нима,
билмайсизлар, билмангларам. У пайтлар оқ нон қайда, зоғорагаям зор эдик, болам. Ни-
маники қилсанг хор, бир кун келиб шунга бўларсан зор...”

РИЗҚИНГИЗНИ ЧИҚИНДИХОНАГА ТАШЛАМАНГ!

Таомланишнинг ҳам одоби бор

Шу гаплар кечагидек кулгоғимда
жаранглайди ҳар сафар... айниқ-
са, ҳар сафар пойтахтимизнинг
марказий кўчаларидаги тартибсиз
чикиндиҳоналарни кўрганымда.
Фақат нон ёки нон маҳсулотлари
эмас, бошқа егуликларни ҳам
исроф қилишга шу қадар одатлан-
ганмизки, эътибор берганмисиз,
кўпчилик тўй-маъракаларда,
йиғинларда, тадбирларда бирон
нарсани еса, охиригача емайди.
Ёшлардан бунинг сабабини сўра-
сангиз, семирб кетишни айтиди
ғашингизни келтириб. Ҳой, барака
топкур, дастурхон тўла ноз-неъмат
бўлса, охиригача емас экансан,
нима қиласан қўл уриб. Бошқа
биров ерди сен тишламасанг.
Тишланган нон бўлаклар-ю, ши-
ринликлар, айниқса, ширин-ши-
рин таомларни охиригача емаслик
увол эмасми?

Биз — катталар таомланиш
одобини биламизми ўзи? Ўзимиз
билмасак, фарзандларимизга
нимани ҳам ўргатар эдик?! Овкат-
ланиш ҳам кўп ва ҳўп одоб талаб
қиладиган иш аслида. Дунёда
овкатланаётганда гапириб одоб-
сизлик саналадиган давлатлар ҳам
бор. Бизда-чи, тушлик вақти емак-
хоналарга бир қиринг, галя-говур-
нинг бозордан кам жойи йўк!

Раҳматли Ҳосият бувининг
бир одадли бор эди. Овкат еса-
лар идишни топ-тоза қилиб бўша-
тардилар. “Шайтонга насиба қол-
дира, болам, — дердилар насихат
қилиб бувимиз биз — набирала-
рига. — Идишни ювган одамгаям
хурматинг бўлсин, овкатни ширин
қилиб пиширган ошпазгаям хур-
матинг сезилиб турсин овкатланган-
нингда.” Эх, бу насихатлар... бугун
қай биримиз боламизга шундай
насихат қиламиз?!

Қуш уясида кўрганини қилади

Бир танишим шундай ҳикоя
қилади:

— Тўй дегани бир кунда
ўтади-кетди. Шунга шунча йил
оворагарчилик, шунча сарф-ха-
ражат. Бир қариндошимиз яқинда
ховлисида тўй қилди. Карантин
унутилиб, тўйлар яна аввалгидан
кам бўлаётгани йўқ. Уйга қайтаёт-
ганимда катта-катта тоғораларга
ағдарилётган тансиқ таомларни
қўриб, қўларим таниб кетди. Қай-
сидир хизматдори келинчак ман-
тига идиш бўшатаётганда тамаки
қолдиқлари бор қосадаги овкатни
халиги тоғоралардан биттасига
шалолатиб тўқди. Исрофгарчи-
лик... Негадир эсимга қайсидир
китобда ўқиганим — очарчилик
йилларида кўк ўт еб шишиб ўлган
одамлар келиб, юрагим эзилб
кетди. Эшитишимга қараганда
ўша йиллари кушхонанинг эшиги-
да пайт пойлаб турувчи, иссиққина
қонни қиздирилган қозона қову-

риб, тўқутар егулик тайёрловчи
кишилар ҳам кўп бўлган экан.
Бурунгилар тут пишиғига етса,
шуккур қилишган экан, омонлик-
ка етдик, энди ўлмаймиз, деб.
Бугунги тўқчилик замони кўринг.
Тутлар пишиб, дарахтнинг тагига
тушиб, қурт-қумурска ҳам еб
тутатолмаяпти. Дастурхонда неки
бор — ризқимиз, унинг қадрига
етмасак, кун келиб шундай неъ-
матларга зор бўлиб қоламиз.

Кўп қаватли уйда яшайди-
ганлар билан ховлида туради-
ганларнинг чикинди ажратишда
ёзилмаган ўз тартиб-қоидалари
бор. Ховлида яшайдиганларда
қорамол, қўй-эчки, ит каби уй
хайвонлари, паррандалар бўлиши
мумкин. Кўп қаватли уйдagiлар
яқин-атрофдаги чикиндиҳонага
хар қуни озиқ-овкат чикиндилари-
ни ташлашади. Мева-сабзавотлар,
дейсизми, ейилмаган нон ва нон
маҳсулотлари, ишлатилмай қолиб
кетган озиқ-овкатларга ҳам чикинди-
хонадан қўним топади.

Қуш уясида кўрганини қилади.
Чикинди ташлашнинг ҳам ўз
одоби бор. Нон, нон маҳсулотлари
учун алоҳида ўрин ажратилган
чикиндиҳоналар кўп пойтахти-
мизда. Чикинди челагини ювиш
учун шароит яратилган тартибли
чикиндиҳоналар ҳам бор. Лекин
чикиндиҳонадаги идишларга
пала-партишлик билан ҳамма
нарсани аралаштириб ташлашга
одатланганлар ҳам етарли! Ризқин-
гиз чикиндиҳонага бормасин, де-
сангиз, рўзғорда тadbирли бўлинг!

Пойтахтимиз марказидаги мана
бу манзарага нима дейсиз?!



Чикиндиҳонанинг сал нари-
роғида кафе жойлашган. Тамад-
диҳона, айниқса, кечки салқинда
гавжум бўлади. Хўрандалар
истеъмол қилаётган егуликларга
чикиндиҳонада сайр қилиб келган
пашша қўнмаганига ким қафолат
бера олади?!

Нега сифатсиз маҳсулотнинг харидори кўп?

Ҳеч бозорга тушганда пўсти
арчилган мандарин харид қилган-
мисиз? Йўқ, дерсиз балки. Елим
халтачаларга солинган пўсти ар-
чилган мандаринлар, одатда, ярок-
сиз холга кела бошлагач, шундай
сотувга чиқарилишини билсангиз
керак! Қизини, шундай яроксиз,
сифатсиз маҳсулотларнинг ҳам
харидори хар доим топилади.

Пойтахтимиз аҳолисининг
катта қисми дам олиш кунларида
“Қўйлик” дехкон бозоридан савдо
қилади. Бозор расталари оралаб
ўтиб борар экансиз, беихтиёр
ноодатий хўл мевалар растасига
кўзингиз тушади. Бу расталар-
да хўл мевалар нисбатан арзон
нархларда сотилади. Сотувчилар
ярокчилик муддати ўтиб, чирий
бошлаган, ташлаб юборар даража-
га келган меваларни пичоқ билан
қирқиб қўйишади. Олувчилар шу
маҳсулотларни ҳам савдолашиб
олишади. Қизини, бу расталар
доим гавжум бўлади. Бу ерда хари-
дорларнинг асосан цитрус мевалар
— апельсин, мандарин, ананасни
арзон нархларда сотиб олаётганига
ғувоҳ бўласиз. Расталарда яроксиз
холга келаётган қиви, лимон,
олма каби меваларни ҳам учратасиз.
Кўпчилик одамлар арзонига
“учиб” шу ердан савдо қилишади.

Мени ўйлангирган нарса, авва-
ло, шунча мева-чева яроксиз холга
келгунча сотилмагани бўлса, бу
жойларда ҳам санитария-эпиде-
миология назорати бор-йўқлиги
бўлди. Сотувчиларнинг шундай
яроксиз маҳсулотлар билан савдо
қилишга йўл қўйиб бераётган
бозор маъмурияти улардан патта
пули олиши турган гап. Демак, бу
холдан бозор маъмурияти яхшиги-
на хабардор. Фақат сен менга те-
ма, мен сенга тегмайман, қабилида
иш тутилади. Эгасини қутиб ранги
сарғайган, муддати ўтиб, яроксиз
бўлиб қолган цитрус меваларнинг
арзонлаштирилган расталарда
янада харидоригар бўлиб кетганига
нима дейсиз?!

— Очиги, цитрус
мевалар одамлар-
нинг топиш-тути-
шига қараганда
анча қиммат,
байрамлар, яхши
қуниларда сотиб
оламиз, одатда,
— дейди Нафиса ис-
м-ли тикувчи аёл биз
билан суҳбатда.
— Масалан, хар қуни
ананас ёки апельсин

емаймиз-ку, лекин болалар учун
банан олиб тураман ҳафтада бир.

Шу ўринда Адлия вазирлиги
томонидан озиқ-овкат маҳсулот-
лари исрофгарчилигини олдини-
олиш, солиқ маъмуричилиги ҳамда
маҳсулотларнинг ярокчилик муд-
датини белгилаш тизимини тақо-
миллаштириш, хайрия фаолиятини
ривожлантириш учун электрон
платформаларни яратишга қара-
тилган лойиҳа ишлаб чиқилаётган-
ини айтиб ўтиш жоиз.

Лойиҳа ташкилотчиларининг
таъкидлашича, бутун дунёда,
мамлакатимизда ҳам озиқ-овкат
маҳсулотлари исрофгарчилиги
ортиб бормоқда. Хориж тажрибаси
ўрганилиб, Германия, Франция,
Италия, Буюк Британия, Чехия,
Япония, Россия, Қозғоғистон
каби давлатларда қўлланилаёт-

ган чоралар таҳлил қилинди.
Дунё тажрибасидан келиб чиқиб,
мамлакатимизда ҳам озиқ-овкат
маҳсулотлари исрофгарчилиги-
ни камайтириш бўйича мукобил
тизим ишлаб чиқишлиш керак. Бу
борадаги қонунчилик тақомил-
лаштирилиши, кам таъминланган
аҳолини бепул истеъмол маҳсулот-
лари билан таъминлаш зарур.



Хусусан, хайрия фаолияти учун
солиқ имтиёзларини жорий этиш,
фудшеринг платформалари ва
озиқ-овкат банклари фаолиятини
ривожлантириш, ярокчилик мудда-
тини белгилаш тизимини тақомил-
лаштириш кабиларни Ўзбекистон-
да ҳам жорий этиш лозим.

Маълумот ўрнида:

БМТ маълумотларига
кўра, 2019 йилда дунё
бўйича ишлаб чиқарил-
ган жами озиқ-овкат
маҳсулотларининг 1,64
миллиард тоннаси,
яъни 31 фоизи чикинди-
га айланибди. Йўқо-
тилаётган озиқ-овкат
маҳсулотларининг
фақатгина 25 фоизи
бутун дунёдаги очлик
муаммосини тўлиқ ҳал
қилиши мумкин экан.

Юртимизда хар йили 3 милли-
он тонна озиқ-овкат маҳсулотлари
чикиндида айланмоқда. Биргина
пойтахтимиз Тошкентда хар қуни
2 тонна, йилига 730 тоннага яқин
нон маҳсулотлари чикиндида
ташланишига нима дейсиз?! Бу
рақамларнинг юзага келишига
озми-кўпми сизу биз ҳисса қўша-
ётганимиз бор гап-ку!

— Қанча қишлоқ хўжалик
маҳсулотлари оғбордан пештах-
тага келгунча ярокчилик муддати
қисқаради. Импорт маҳсулотлар
хужжати тўғри бўлмаса, божхо-
на оғборларида қолиб кетади ва
йўқ қилинади, — дейди Адлия
вазирлиги масъул ходими Шахноза
Тўраҳўжаева мавзу юзасидан фикр
билдирар экан. — Супермаркетлар-
да ярокчилик муддати тўтаб сотил-
май қолган маҳсулотлар шунчаки
исроф бўлади, ҳатто чегирмалар
ҳам бунга ёрдам бермайди.

Кўриниб турибдики, бу ерда
қандайдир тизимли муаммо бор,
қимлардир озиқ-овкатга етиб бора
олмаяпти, қасрдадир озиқ-овкат
исроф бўляпти. Супермаркетлар
ярокчилик муддати оз қолган

маҳсулотларни мухтожларга
тўғридан-тўғри бериб юборгандан
кўра, йўқ қилган фойдалироқ
— солиқ тўламайди. Мухтож-
ларнинг бу озиқ-овкатларга етиб
бориши, уларни тўғри ва манзилли
тақсимлаш тизими йўлга қўйилма-
ган. Озиқ-овкат маҳсулотларини
бегараз тақдим этишни рағбатлан-
тириш тизими мавжуд эмас.

Исрофгарчилиكنинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ

Пойтахтимиздаги хўрандалар
билан доимо гавжум бир умум-
ий овкатланиш шохобчасини
билиман. Бу ерда хўрандалар
учун бурчак ташкил қилинган.
У жойда овкатни иситиш учун
микротўқинли печ, хантал, май-
онез, кетчуп сингари иштахошар
егуликлар билан бирга қуритил-
ган нон бўлакчалари тўла катта
бир идиш ҳам хар доим бўлади.
Ошхона ишчиларидан бирининг
айтишича, бу қуритилган нон
бўлаклари хар қуни янгилашиб
турилади. Хўрандалар қуритилган
нонни яхши кўришади. Қуритил-
ган нон эса, хўрандалар томонидан
ейилмасдан қолиб кетган тоза нон
бўлакларидан тайёрланар экан.

Кўчалардаги енгил, тез тайёр
бўладиган егуликлар сотиладиган
тамаддиҳоналар ҳақида гапир-
дан бўлса, бекатлардаги ана
шундай тамаддиҳоналарнинг
аксариятида овкатланиш учун
шарт-шароит етарли даражада
эмас! Санитария-гигиена талаб-
ларига риоя этишни-ку, гапир-
маса ҳам бўлади. Айниқса, ҳаво
исиб, қуёш тиги танни қуйдирар
даражага келган жазирама ёз
қуниларида, саратонда йўл бўй-
ларида очик идишларда айрон,
шарбат сотувчилар кўпаяди.
Юқорида айтганимиздек, хар бир
нарсанинг ўз харидори бор. Биз
билан мен олмасак, бошқа биров
шундай жойдан савдо қилади.
Ёз ойларида, айниқса, шундай
бетартиб озиқ-овкат маҳсулотлари
сабаб ошқозон-ичак касалликлари
кўпаяди.

Мавзу юзасидан гапирсак,
хаётда мисоллар етарлича топила-
ди. Шу ўринда яна бир муҳим на-
рсани айтиб ўтгим келди. Кўпчилик
кафе, ошхоналарда ярим порция
овкат сотишмайди. Паркезбон
таомларни ҳамма ошхоналардан
топиш амримаҳол. Хўрандалар
орасида беморлар, кексалар, бола-
лар бўлиши ҳам умуман-ку, ахир!
Бунни ҳеч қим ҳисобга олмайд.
Баъзиларида эса, аксинча, 0,5, 0,75
порция таомлар ҳам бор. Қўри-
ниб турибдики, умумий овкатла-
ниш шохобчалари маъмурияти
хўрандалар учун қулайлик яратса,
қисман бўлса-да, озиқ-овкат
маҳсулотлари исроф бўлишининг
олди олинади.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
“Инсон ва қонуни” музбири

ЖИЗЗАХЛИК М.Абдукаримова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёши олтимышларга яқинлашиб қолган аёл. Яъни, уйда фарзанду набираларига бош бўлиб, уларнинг дуои-жонини қилиб ўтирадиган маҳали. Аммо нафс балоси уни жиноят кўчасига етаклади.

“Ҳожатбарор”нинг НАЙРАНГЛАРИ ФОШ БЎЛДИ



Ваҳоланки, М.Абдукаримова муқаддам судланган ва кейинчалик судланганлиги жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман суди томонидан олиб ташланиб, унга ҳаётини изга тушириб олиши учун имкониёт берилганди. Бироқ Муҳайё опа қилимишидан ўзига тўғри хулоса чиқармай, фибрибгарликка қўл урди.

Маълумки, бундан 2 йил муқаддам — 2020 йилнинг 1 май куни Сардоба сув омбори фожиаси юз берганди. Ушанда жуда кўп оилалар бошпанасидан айрилган, баъзилари жиддий талафот кўрганди. “Қаҳрамон”-имиз эса ана шундай қийин вазиятга тушиб қолган инсонларни чув туширди. Жумладан, фуқаро Н.Қосимовага ҳовли-жойи талафот кўрган аҳолига бериладиган уйлардан бирини юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали олиб беришини айтиб, алдайди.

— Лекин бу ишнинг озгина харажати бор, — дейди у.

Шундай деб боқяш аёлнинг нақ 13 миллион сўм миқдордаги пулларни фибрибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Бундан ташқари, худди Н.Қосимова сингари техноген офатдан жабрланган, Мирзаобод туманида яшовчи Ш.Тошмуродовани ҳам чув туширади. Яъни, бу аёлнинг уйи талафот кўрган бўлса-да, янги уй-жой ололмаганлигидан хабар топиб, дарҳол “иш”га киришади.

— Сизга туманингизнинг “Янги Ўзбекистон” маҳалласида қурилган янги уйлардан бирини олиб бераман, — дея оғиз кўпиртиради.

Соддадил ҳамюртимиз эса бу гапларга лаққа ишонади. Натижада М.Абдукаримова ҳужжатларни расмийлаштириб бериш ҳамда янги уй бериладиган фуқаролар рўйхатига киритиш важи билан унинг 20 миллион сўм пулини олади. Аммо вақт ўтиши билан иккала жабрланувчи ҳам алданганлигини англаб етишади.

Буни қарангки, фуқаро Х.Тошболатева ва Б.Йўлдошевлар Муҳайёнинг навбатдаги ўлжасига айланишади. Фибрибгар хоним кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар учун ажратилган уйлардан бирини олиб беришни ваъда қилган ҳолда Х.Тошболатеванинг 1 минг 500 АҚШ долларини, банкдан 150 миллион сўм миқдорда субсидия олиб бериш шарти билан эса Б.Йўлдошевнинг 3 миллион сўм пули ва 2 миллион сўмлик мебелларини қўлга киритади. Бироқ берган ваъдасининг уддасидан чиқмай, пуллари жигилдонига уради. Жабрланувчилар бўлса охир-оқибат тоқатлари тоқ бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишади. Пировардида М.Абдукаримовага нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Суд уни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, 5 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ундириш ҳам белгиланди.

Мирғани МИРЗОХИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман суди раиси

Президентнинг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 1-бандига асосан эса эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси жавобгар “GLP” МЧЖдан 551 миллион 4 минг 453 сўм божхона тўловини ундиришни сўраган. Кармана туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан ушбу даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. Сабаб ва тафсилотлар қуйидагича.

Иш ҳужжатларидан ҳамда суд муҳокамасида аниқланишича, Сингапур давлатидаги “Contowest Pte. LTD” компанияси ва жавобгар ўртасида шартнома тузилган ва товар олиб келинган. “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан тақдим этилган 2020 йил 15 апрелдаги ижобий хулосада товарнинг 653,115 м² учун божхона тўловларига имтиёз берилиши назарда тутилган.

Даъвогар томонидан жавобгарга 2021 йил 15 апрель куни талабнома юборилиб, жавобгар 653,115 м² товар олиб келганлиги, лекин имтиёз 653,115 м² учун олинганлигини билдириб, 551 миллион 4 минг 453 сўм божхона тўловини тўлаши зарурлиги сўралган.

Шундан сўнг, жавобгар томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг 3-бандига кўра, ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) тўғрисидаги таклифи қабул қилинган.

БИТТА НУҚТА, ВЕРГУЛГА 551 МИЛЛИОН СЎМ БОЖХОНА ТЎЛОВИ...МИ?



маркази” давлат унитар корхонаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ҳамда 653,115 м² жумласини 653,115 м²га ўзгартириб, электрон базага киритиш мажбуриятини юклаш тўғрисида Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилган.

Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 19 мартдаги ҳал қилув қарори билан “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонаси бўйича қабул қилинган Низомнинг 2 ва 3-бўлим талаблари, яъни олиб кириладиган товарлар юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар ўртасидаги фарқ ва номувофиқликларни аниқлаш, аризадидан қўшимча ҳужжатлар ва маълумот олиш Иқтисодий тараққиёт

ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги давлат унитар корхонаси мансабдор шахсларининг мажбуриятларига кириши туфайли уларнинг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилиб, уларга 2020 йил 15 апрелдаги ижобий хулосадаги 653,115 м² жумласини 653,115 м²га ўзгартириш ва электрон базага киритиш мажбуриятини юклаш белгиланган.

Мазкур ҳал қилув қарори асосида “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг 2021 йил 21 октябрдаги ижобий хулосасидаги 653,115 м² жумласи 653,115 м² деб божхона ва бошқа идоралар ўртасидаги электрон базасида ўзгартирилган.

Сабит ЖАКЕЕВ,
Навоий вилоят суди судьяси

УЧКЎПРИК туманида яшовчи Т.Жўрабоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) сўнгги йилларда Фарғона вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида инспектор вазифасида ишлаб келаётганди. Аммо вақт ўтиши билан нафс гирдоби уни ўзига тортиди.



Таъмагир инспектор қўлга тушди

Гап шундаки, 2021 йил 16 август куни у Фарғона шахри марказидаги “Ихлос” савдо мажмуаси олдида хизмат олиб бораётган вақтида фуқаро М.Нуъмонов бошқарувидаги “Nexia-2” русумли автомашинани тўхтатади. Боиси, мазкур транспорт воситасининг орқа ойналари ноконуний равишда қорайтирилганди. Бундай ҳолат эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддаси (Кўзгусимон ва ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали, шунингдек те-варак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланишга биноан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

— Энди нақ олти миллион сўмдан ошиқроқ жарима тўлайсиз, — дейди у “Nexia-2”нинг ҳужжатларини текшириш асносида ҳайдовчига янада тушунарли бўлиши учун.

Табиийки, жарима миқдорини эшитиб, М.Нуъмоновнинг капалаги учиб кетади. Шу боис у инспектордан кечирим сўраб, хатосини тузатишини айтади. Т.Жўрабоев бўлса унинг ялинишидан “унумли” фойдаланиб қолади.

— Майли, жаримангизни қамайтириб бераман. Яъни, “права”сиз машина ҳайдаган бўласиз, — дея ўзини катта ях-

шилиқ қилаётгандек қилиб кўрсатади.

Оқибатда ҳайдовчига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддаси иккинчи қисми (Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши) бўйича маъмурий баённома расмийлаштириб, айни сохта ҳужжатни Фарғона шахар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига тақдим этади. Бу ҳаракати билан Т.Жўрабоев давлат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлади. Ваҳоланки, М.Нуъмоновнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатлари мавжуд эди. Бунинг эвазига эса инспектор ҳуқуқбузардан 100 АҚШ доллари талаб қилади. Бироқ ҳайдовчи ёнида шунча пули йўқлигини билдириб, унга 450 минг сўм пул беради.

Албатта, М.Нуъмонов пора бериш ҳам жиноят эканлигини жуда яхши биларди. Бинобарин, у ўша куниниёқ таъмагир инспекторга қонуний чора кўрилишини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этади. Оқибатда Т.Жўрабоев эртаси куни — 2021 йил 17 августда шахарнинг “Қиргули” мавзесида жойлашган ревматология клиникаси ёнида ҳайдовчидан яна 300 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ушланади.

Шундан сўнг унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди Т.Жўрабоевни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, 2 йил ички ишлар органларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилади.

Бироқ судланувчининг шикоятига асосан ушбу жиноят иши Фарғона вилоят судининг апелляция инстанциясида кўриб чиқилади. Апелляция суди мажлисида биринчи босқич суди томонидан Т.Жўрабоевнинг айби тўғри квалификация қилиниб, қонуний жазо тайинлангани аниқланади. Шунинг учун Фарғона вилоят суди суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш хусусида ажрим чиқарди.

Ажабмас, “қаҳрамон”имиз энди қилмишининг оқибатини — қингир иш хамиша ташвиш келтиришини ҳис этиб, келгусида жиноятга қўл урмас.

Феруза СИДДИҚОВА,
Фарғона вилоят суди судьяси

ТЕХНИКАНИНГ тараққий этиши, турли хилдаги ихтиролар, саноатнинг ривожланиши инсонлар ҳаёти ва мамлакатлар тараққиётида муҳим ўрин эгаллаши билан бир қаторда, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатган МЧЖ фаолияти тўхтатилди

Бу борада миллий қонунчилигимизда ҳам табиат ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, унга қилинган ҳар қандай тажовуз ва ноҳўя хатти-ҳаракатларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўриш назарда тутилган.

Хусусан, Конституциямизнинг 50-моддасида фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу конституцион нормадан келиб чиқиб, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги ҳамда "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилинганлиги ҳам атроф-муҳитни асраб-авайлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-96-моддаларида ҳамда Жиноят кодексининг 193 ва 204-моддаларида тегишли жавобгарлик белгиланиб, жазо чоралари қайд этилган. 2021 йил 25 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари ҳамда бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, жавобгарлик чоралари янада мустаҳкамланган.

Суд амалиётида ҳам табиатга қийнаётган тажовузларнинг олдини олиш ва уни ҳимоя қилиш борасидаги ишлар

қўриб чиқилмоқда.

Хусусан, назорат қилувчи орган томонидан судга ариза билан мурожаат қилиниб, "С" масъулияти чекланган жамияти карбид кальций ва ферромарганец маҳсулоти ишлаб чиқариш фаолиятини тегишли рухсатнома олмадан амалга ошириши оқибатида атроф-муҳитга зарарли моддалар меъёридан ортиқ чиқатганлиги экология ва фуқароларнинг соғлиғига зарар етказётганлиги сабабли мазкур корхона фаолиятини вақтинча тўхтатиш сўралган.

Мазкур аризани қўриш жараёнида жавобгарнинг Зарафшон шаҳар саноат зонаси ҳудудида карбид кальций ва ферромарганец маҳсулоти ишлаб чиқаришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолият юритмаётганлиги натижасида атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги ўз исботини топди. Суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгарнинг Зарафшон шаҳар саноат зонаси ҳудудидаги ишлаб чиқариш фаолияти назорат қилувчи органининг кўрсатмасида қайд этилган ҳолатлар бартараф этилганига қадар тўхтатилди.

Зеро, Бош қорумсимизнинг 55-моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидир.

Шерзод ҒОҒУРОВ,
Зарафшон туманлараро иқтисодий суди раиси

ПОЛИЦИЯНИНГ криминал ишлар бўйича махсус тезкор қидирув бўлимига бир полициячи қиз ариза топшириб, ишга кирмоқчи бўлибди. Уни сўхбатга чақириб, фикрлаш қобилиятини синаб кўришмоқчи бўлибди. Хонада учта офицер ўтирган экан.

Имтиҳон



Дастлаб оддий савол беришибди: "Термометр 15 даража совуқ эканини кўрсатяпти. Иккита термометр неча даража совуқлигини кўрсатади?" Қиз: "Ўн беш", — деб жавоб берибди. "Нью Йоркда "Етти кўнгирик" номли дўкон бор, лекин дўкон пештоқига сақизта кўнгирик осиб қўйишибди. Нера?" Қиз: "Одамлар дўкон номи билан кўнгириклар сони мос тушмаслигини айтиш учун дўконга киришади. Қанча кўп одам кирса, шунча яхши", — дебди. Учинчи савол: "Самолётни ўғирлаб, пул талаб қилган ёлғиз террорчи иккита парашют сўрайди. Иккинчи парашют нима учун?" Бунга жавобан қиз: "Агар террорчи битта парашют сўраса, полиция очилмайдиган парашют бериб, террорчининг ўлимини уюштиради. Иккита парашют сўраса, киминдир гаровга олиб, биргаликда самолётдан сакрайди, деб очиладиган парашют беришади", — дебди. "Қирол ва қиролича хизматкор муз солинган иккита стаканда сув олиб кирди. Иккисида ҳам заҳар бор. Қирол бир кўтаришда ичди, қиролича секин ичди ва ўлди. Нера қирол заҳарланмади?" Қиз: "Сувга эмас, стакандаги музга заҳар қўшилган. Қирол муз эримасдан сувни ичиб қўйган", — дебди. "Бир ўйдан мурда топилибди. Ёнида ўчирилган магнитофон бор экан. Магнитофони кўйишса, "Ўзимни ўлдиришга қарор қилдим. Алвидо!" деган гап ва ўқ овози ёзилган экан. Бу ўз жонига қасд қилиши, қотилликми?" Қиз: "Қотиллик, чунки ўлган одам магнитофони ўчирилмади", — деб жавоб берибди.

Қизни ишга олмоқчи бўлишибди. Хонадаги саватда уч дона олма турган экан. "Олмаларни учаламизга тенг бўлиб бер, аммо битта олма саватда қолсин, шунда ишга оламиз", — дейишибди. Қиз иккита олmani иккита полициячига берибди, учинчи олmani эса учинчи полициячига савати билан берибди.

Шундай қилиб, қиз ишга олинбди. Сиз бўлгангизда бу имтиҳондан ўта олармидингиз?

Абдураҳим АЛАМОВ
сахифасидан олинди.

Ғалати қонуний тақиқлар ҳақида эшитганмисиз?

"Анна ва қирол" фильмини намоёйиш этиш мумкин эмас

Таиландда "Анна ва қирол" фильмини намоёйиш этиш тақиқланган. 1999 йилда суратлан олинган ушбу фильмда қирол оиласи ва мамлакат тарихига боғлиқ кўплаб лаҳзалар мавжуд бўлиб, 1930 йилдан бери амал қилиб келаётган қонунга кўра, бу Таиланд давлатига нисбатан ҳақорат ҳисобланади.

Ижтимоий тармоқда рўйхатдан ўтиш тақиқланган

АҚШда 13 ёшгача бўлган болаларга ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтиш тақиқланган.

"Киндер сюрприз" сотиш ва истеъмол қилиш ман этилган

АҚШда болаларга "киндер сюрприз" шоколадли тухумини сотиш ва истеъмол қилиш қонун йўли билан тақиқланган. Бунга сабаб бола билмай тухум

ичидаги ўйинчоқни ҳам еб қўйиши мумкин экан.

Югуриш мумкин бўлмаган давлат

Бурундида югуриш тақиқланган. 2014 йилнинг март ойида мамлакат президенти Пьер Нкурунзиза югуришни тақиқловчи қонун чиқарди. Бунга сабаб мамлакатдаги этник гуруҳлар ўртасидаги урушлар тўхтаганидан сўнг маҳаллий аҳоли гуруҳ-гуруҳ бўлиб югуришга чиқадиغان бўлишди. Шундай кейин гуруҳ-гуруҳ бўлиб югурадиган айрим шахслар жазоланадиган бўлди.

"Red Bull" тақиққа тушган

Францияда "Red Bull" энергетик ичимлигини истеъмол қилиш тақиқланган. Бунга ичимлик таркибидаги таурина кимёвий моддасининг борлиги сабаб қилиб кўрсатилади. 2008 йилда ушбу тақиқ маълум миқдорда бекор қилинган бўлиб, бугунги кунда компания таурин

моддаси йўқ бир қанча ўз маҳсулотларини мамлакат ички бозорига киритган.

Рақс тушиш мумкин эмас

Японияда клубларда рақс тушиш тақиқланган. 1948 йилда аҳоли тинчлиги таъминлаш ҳақидада, ушбу тақиқ вужудга келган ҳамда рақс тушиш учун махсус жойлар ташкил этилган.

Видеоўйинлар ўйнаш тақиқланган

Жанубий Кореяда 2011 йилда "shutdown қонун"и деб номланган қонун ишга тушди. Унга кўра 16 ёшдан кичиклар ярим кечаси 00.00 дан эрта лаб 06.00 гача видеоўйинлар ўйнаши тақиқланди. Аммо бу қонун ота-оналар илтимосига биноан 2021 йил август ойида бекор қилинди.

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази маъсул ходими Мақсуд МУСТАҒОЕВ тайёрлади.

E'LONLAR

Andijon viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 13-apreldagi 72-um-son buyrug'iga asosan boshqarma tomonidan 2018-yil 21-dekabrda berilgan AN № 000141-sonli litsenziya egasi, Asaka tumani "Right to liberty" advokatlik firmasi advokati Abduraxmonov Xasanboyning advokatlik maqomi tiklandi.

Buxoro viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 22-apreldagi buyrug'iga asosan "Truth is power" advokatlik byurosi advokati Mirzayev Mansur Soxibjonovichning advokatlik maqomi tiklanib, uning advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi "Truth is power" advokatlik byurosi advokati ekanligini tasdiqlovchi 177-sonli advokatlik guvohnomasi (litsenziya 07.01.2021, BH № 000176, advokatlik guvohnomasi № 177, 04.02.2021-y.) tiklandi.

Buxoro viloyati adliya boshqarmasi tomonidan "Advokatura to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuniga muvofiq boshqarmaning 2022-yil 22-apreldagi buyrug'iga asosan "Advokat Ahmad Rahmatov" advokatlik byurosi

advokati Raxmatov Ahmad Izzatullayevichning (litsenziya 10.12.2020, BH № 000172, litsenziya 08.06.2021, BH № 000197, advokatlik guvohnomasi № 202, 06.09.2021-y.) advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyalari hamda advokatlik maqomi u ayblanuvchi tariqasida jalb etilgan paytdan boshlab va sud hukmi qonuniy kuchga kirgunga qadar yoxud reabilitatsiya qiluvchi asoslarga binoan uni jinoyi javobgarlikdan ozod etish to'g'risida qaror qabul qilgunga qadar bo'lgan muddatga to'xtatildi.

Инсон ва қонун

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
руйхатга олинган



Бош муҳаррир

Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музаф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Юлдашева Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўлёзмалар таҳрир
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида теришди ва саҳифаланди. А3 бичида, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 4000
Буюртма — Г-362

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 17:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоқос қилинган нархда
1 2 3 4 5

УЗОҚ йиллар мактабда дарс бериб, нафақага чиққач, ўз таъбири билан айтганда “боғча опага айланиб, набира суйиб уйда ўтирган” сочлари оппоқдан-оппоқ, истараси иссиқ Хосият хола ўғли ва келинини ишга кузатаркан, “Ўзингга шукур, кўрсатганингга шукур”, дея бот-бот Яратганга шуқрона айтди ва уч ёшли набираси билан нонуштага энди ўтирганида ҳовли эшигидаги кўнгирак жиринглай бошлади.

Хосият хола

“Эшик беркитилмаган, келин ё ўғлим бирон нимасини унутиб қолдирган бўлса, тўғри кириб келаварар эди, келган ким бўлди экан” деган ўйда эшикка қараб юрди ва дарвоза олдида бир уй нари қўшнисини кўриб:

— Вой, айланай, келинг-келинг, киравермайсизми, — деганча қўшни аёлга пешвоз чиқди ва елка олиб кўришиб-сўрашиб асносида уйга бошлади.

Очиқ дастурхон ёнига жойлашгач ҳам бир-бирдан фарзанду неваралар соғлигини суриштириб, яна бир кўр ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди-ю, гап-гапга улашиб кетди.

— Нимасини сўрайсиз, хола, юрибман барига чидаб. Бу келин одам бўлмади, у десам — бу дейди, бу десам — у. Қонимга ташна қилди. Ўғлимга гапириб кўрдим, фойдаси йўқ. Билмайман ўзига иситиб олганми, бир балоси бор. Ҳе, қуйиб кетдим, — дея қўшни чой хўплаган бўлди.

Хосият хола бир дам сукут сақлаб, жим турди. “Нима дейиш керак бу аёлга, мен нима деб буларнинг оилавий ишига аралашман. Гап қувласанг гап чиқаверади. Индамай қўйса, бу бечора, мулзам бўлиб қолса”, — деб ўйлай-ўйлай бир-икки оғиз насихат қилиб қўйишни лозим топди.

— Қўшнижон, сиз сиқилаверманг, келин ва ўғлингиз ёш, яхши гапириб йўлга солинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади ҳали, — деди. Сўнг гапни бошқа томонга буришга ҳаракат қилиб, “Укангизниқига яхши бориб келдингизми, тўй яхши ўтдимиз?” — деб сўраб бўлди.

— Эҳ, нимасини айтасиз, укам аҳмоқ, хотинининг айтганидан чиқмайди. Хола уруғидан келин қилди. Товба, келин дегани ҳам шундай бўладими, бир тасқара, бир...

Қўшни энди тинимсиз гоҳ укасини ва унинг хотинини, гоҳ куда-андаларини ёмонлай кетди.

Холага ўзи танимаган ва билмаган одамлар ҳақидаги ғийбат гапларни эшитиш оғир келди, қўшним гапдан тўхтар деган ўйда, набирасини қўлига олиб, унинг юз-қўлини ювиш баҳонасида чиқиб кетди. Набирасининг овқат юки юз-қўлини чаяр экан, Хосият хола қўшнининг ғийбатини эшитиб, гуноҳга ботмаслик учун нима қилиш керак, деб ўйлади. Сўнг набирасини ёндош хонага киритиб, ўйинчоқларини олиб бераётганида

**Ғийбат кўп ёмондир — юракни доғлар,
Тўғрилиқ яхшидир — дилларни боғлар.**

Тоҳир МАЛИК

кўзи бир неча кун аввал ўқигани — ёзувчи Тоҳир Малиkning “Ҳалол нима-ю, ҳаром нима” номли рисоласига тушди. Китобни қўлига олиб, ўйланган ҳолда ошхонага кирди.

— Қўшни, мана шу китобда бир нарсаси ўқигандим, менга кўп таъсир қилди. Хўп десангиз, Сизга ҳам ўқиб берай, — деб Хосият хола қўшнисига қаради.

— Вой, жон дейман хола ўқий қолинг, — деб қўшни жойлашиброқ ўтирди.

— Хосият хола бир текис, майин овозда ўқий бошлади:

— Бир куни пакана бир хотин баъзи бир масалаларни сўрамоқчи бўлиб, Пайғамбаримизни йўқлаб келди. Билолмай қийналиб юрган нарсаларини билиб олди. Чиқиб кетганидан кейин ҳазрати Ойша (р.а.):



— Мунча ҳам пакана хотин экан! — дедилар.

— Шунда Пайғамбаримиз:

— Ғийбат қилдинг, эй Ойша! — деб танбех бердилар...

Шу жумлаларни ўқиб, Хосият хола бироз тин олди. Китобни варақлай туриб, буни қаранг, дея яна мутулаада давом этди.

Шайх-ул машойх Жунайд Бағдодий (қоддасаллоху сирраху) кўрдиларки, бир киши жоме масжидига келиб, тиланди. Шайх ҳазратларининг кўнгилларидан кечдики: “Бу йигит соғлом бўла туриб, нечун меҳнат қилиб топмай, ўзини бундоқ хор тутар?”. У зот уқлаган пайтларида туш кўрдиларки, бир киши қопқоғи ёпиқ бир товоқ келтириб, Жунайд ҳазратларининг олдида қўйди. Шайх ҳазратлари қопқоғини кўтардилар. Қарасалар, масжидда таваккул қил-

ган дарвешни пиширибдилар. “Буни егий!” деган амр бўлди. Жунайд ҳазратлари: “Ўқилиб емайман”, дедилар. “Кеча масжидда қандай еган эдинг, энди емайсанми?!” дейилди.

Хосият хола шу ерда ўқишни тугатиб, сукут сақлаб, китобга тикилган ҳолда унга Қуръони қаримнинг “Ҳужурот” сурасидан келтирилган иқтибосни ичида ўқиб туриб қолди: “Эй мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланинг! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир!”...

... Бироздан сўнг бош кўтариб, қўшнига назар солиб, унинг хомуш ерга тикилган қўйи ўтирганини кўриб, холанинг кўнглидан: “қўшнимни хафа қилиб қўймадиммикан?” деган гап ўтиб, ўйлашиб турганида, қўшни кўзда ёши билан:

— Хола, мен гумроҳнинг қўзини очганингиз учун Сизга минг раҳмат! Ҳамма бало менинг ўзимда экан. Манманлик, ҳасад ва кибр кўзимни кўр қилган экан. Борингизга шукур. Шу китобингизни бериб турунг, ўқиб қайтараман, — дея хижолатли сўзланди.

Хосият хола:

— Китоб Сиздан айлансин, қўшни, — дея китобни узатди.

Хола қўшнисининг бир дам олдинги ва айна пайтдаги кўз қараши ҳам тубдан ўзгариб, аламзадалик ва бесаранжомлик ўрнини афсусга қоришиб бир маъюслик эгаллаганлигини туйиб, ичида: “Оллоҳнинг қарами кенг, бандасини тўғри йўлга соламан деса ҳеч гап эмас”, — деган бўлди.

Сўнг китоб муаллифининг ўзи бу дунёда йўқ эса-да, кишиларга яхшилиги тегаётганига қалбан иқрор бўлиб, “Илоҳим, жойингиз жаннатда бўлсин” — дея ҳаққиға дуо қилди.

ХАЛИФА Ҳорун ар-Рашиднинг барча буйруқ ва фармонлари доим бажо келтирилиб, нима ирода қилса, ўша заҳоти муҳайё этиларди. Бу ҳолатда унинг зулмга кириб қолиш эҳтимоли бўлгани учун ўз атрофида ўзини тергаб турувчилар, тўғрилиқни кўрсатувчи уламоларни жамлаган эди. Бахлул унинг энг яқин дўстларидан ва доим ҳолидан хабар олиб турадиган кишилардан бири бўлиб, Ҳорун ар-Рашидни тез-тез оғоҳлантириб, тергаб турар, салоҳият ва имконидан келиб чиққан ҳолда зулм йўлига кириб қолишидан сақларди.

**Ҳорун Ар-Рашид
ва Бахлул**



... Кўнларнинг бирида Бахлул кийимлари чангга ботган бир аҳволда саройнинг боғида халифага дуч келиб қолди. Халифа ундан сўради:

— Эй Бахлул, қаердан келяпсан?

Бахлул жавоб берди:

— Жаҳаннамдан келмоқдаман, саййиндим.

— Яхшиликка бўлсин, нима қилдинг у ерда?

— Нима ҳам қилардим, олов керак бўлиб қолди, шунинг учун борган эдим.

— Ҳўш, келтирдингми?

— Йўқ, келтиролмадим.

— Нега?

— У ерда олов йўқ экан. Жаҳаннамнинг қўриқчиси: “Бу ерда олов бўлмайди, ҳар ким оловини дунёдан ўзи билан олиб келади”, деди.

Ўйга чўмган халифа сўради:


— Эй Бахлул, мен бу дунёдан кетаётганимда олов олиб кетмаслигим учун нима қилишим керак, қандай тавсия берасан?

Бахлул:

— Сен катта-катта салоҳиятларга эга кишисан. Эгаллаган лавозиминг гуноҳга, зулмга жуда ҳам яқин. Олов олиб боришга сабаб бўлиши мумкин. Олов олиб кетишни хоҳламасанг, қуйидаги учта тавсияни тингла. Буларга содиқ бўлсанг, ўзингни кутқаришинг мумкин.

— Нима экан у уч нарсаси,

— Адолат! Адолат! Адолат!



“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан